

Захириддин Бобурнинг Тошкент шахрига доир карашлари унинг тож-тахт учун кураш ва яшаш даври билан бевосита боғлиқ. "Бобурнома"даги 1502-1503 йиллар воқеалари тасвирида жами 21 марта Тошкент номи зикр этилади, факат икки марта 1510 ва 1528 йиллар воқеалари баёнида Бобур шахсиятига дахлдор бўлмаган ҳолда - тарихий жой номи тарикасида келтирилган.

"Бобурнома"нинг дастлабки саҳифалари 1494 йил воқеалари, Фар-гона вилоятининг тасвири билан бошланади. Муаллиф Исфара вилояти ҳақида сўз юритар экан, Мовароуннахрнинг Шайбонийхон томонидан эгалланиши тарихига тўхталади: "Муҳаммад Шайбонийхон Султон Маҳмудхон била Олачахонга шикаст бериб, Тошканд ва Шохрухияни олгон маҳалда, ушбу Сўх била хушёр кўхпояларига келиб, бир йилга ёвуқ танқислик била ўтқариб, Кобул азимати қилдим".

Ушбу тарихий далилда биз икки муҳим фактга диққат қиламиз. Бу воқеадан олдинги Бобурнинг Тошкент ва унинг хонликлари билан бўлган муносабати заминидан, аниқроғи, шаҳар Шайбонийхон томонидан забт этилгунга қадар Тошкент шахрига хон бўлган Бобурнинг она томонидан қариндошлари ҳамиша унга паноҳ бўлганлар.

Темурийлар салтанати даврида Тошкент ва Шохрухия шаҳарлари 1506 йилга қадар Чигатой хонлари тасарруфида бўлган. "Ўшал фурсаттин тарих тўққуз юз секкизгача Тошканд ва Шохрухия вилояти Чигатой хонларининг тасарруфида эди, - деб ёзади Бобур. - Бу фурсатта мўғул улусининг хон ва султонлиги Юнусхоннинг улуг ўғли, менинг тағойим Султон Маҳмудхонда эди. Умаршайх мирзонинг оғаси, Самарқанд подшоҳи Султон Аҳмад мирзо ва мўғул улусининг хони Султон Маҳмудхон, чун Умаршайх мирзонинг бадмаошлигининг мутазаарир эрдилар, бир-бирлари билан иттифок қилиб, Султон Аҳмад мирзо Султон Маҳмудхонни қуёв қилиб, мазкур бўлгон тарихда, Хўжанд суйининг жануб жонибидин Султон Аҳмад мирзо ва шимол тарафидин Султон Маҳмудхон Умаршайх мирзонинг устига черик тортилар".

"Бобурнома"да темурий шахзодалар билан боғлиқ сарой аёлларининг саодатли, аммо кўпинча аянчли тақдирларига оид маълумотларга диққат қиламиз. Уларнинг бир қисми Тошкент хонлиги ва, умуман, Тошкент шахри тақдири билан ҳам боғлиқ. Бу таҳликали воқеалар, зодагон аёлларнинг тақдири қисматига молик воқеалар, юқорида қайд этганимиздек, Тошкент шахри турли султон ва шохларнинг қўлидан қўлига ўтганлиги заминидан вужудга келганлигини кўраемиз. Захириддин Бобур ушбу маълумотларни отаси Умаршайх мирзонинг аҳли аёли зикрида келтириб "ўзгалардин кичик бир кизнинг улуг Султон Нигорхоним эдиким..." деб бошлаб, Султон Нигорхонининг мардона хусусияти, ўқтамлиги ҳақида фикр юритади. У сарой аҳлининг ҳеч биридан сўрамасдан, билдирмасдан Тошкентга паноҳ излаб келади ва ниятига эришади. Бироқ, тақдир уни кўп сарсон-саргардон қилади. Бобур бу масалага ҳам ҳолис ёндашади: "Султон Маҳмуд мирзо ўлгандин сўнг ўғлини олиб, ҳеч қимга хабар қилмай, Тошканд-га оғаларига бориб эди. Бир неча йилдин сўнг Адик Султонга қим, Чингизхоннинг улуг ўғли Жўжи нас-ли қозоқ султонларидиндур, бердилар. Хонларни Шайбонийхон босиб Тошканд ва Шохрухияни олгонда ўн икки мўғул навақари била қочиб Адик Султонга борди. Адик

Султондин икки кизи бўлди, бирини Шайбонийхон султонларига, яна бирини Султон Саъидхоннинг ўгли Рашид Султонга берди. Адик Султондин сўнг козок улусининг хони Косимхон олди... Косимхон ўлгандан сўнг хоним Кошгарга, Султон Саъидхон қошига келди".

Албатта, Тошкент шахрининг 2200 йиллик тарихидаги ҳар бир лаҳза, ким шаҳарга бош бўлганию, ким уни салтанатдан айиргани илм учун ҳам, тарих илми билан кизикувчилар учун ҳам муҳим деб биламиз. "Бобурнома"да Султон Аҳмад мирзо - теурий султонлардан бирининг номи тез-тез тилга олинади, муаллиф у ҳақда асосан ижобий фикр билдиради. Бобурга Султон Аҳмад мирзо амаки бўлиб, у муайян муддат Тошкент ва Сайрамни Бобурнинг отаси Умаршайх мирзога беради. Бобур Султон Аҳмаднинг уруш ва муҳорабаларини ёритар экан, унинг Тошкент ва унинг атрофида бу шаҳарни эгаллаш, ўз тасарруфига киритиш учун кўп жангу жадаллар бўлгани, улар олиб борган курашларни қуйидагича тасвирлайди: " Яна бир мартаба Тошканд навоҳисида, Чир суйининг ёкасида Султон Маҳмудхон била... бир-бирига бокмай бузулдилар, кўпрак черик эли Чир суйида гарк бўлдилар."

1497 йилдан бошлаб Заҳириддин Бобур тақдири билан Тошкент хонлигида юз берган воқеалар бир-бирига боғланиб борган. Фаргона ва Самарканд тахтидан ноумид бўлган, авваллари бу икки стратегик жихатдан муҳим шаҳарга эгалик қилиш ниятида бўлган Бобурнинг умиди узилиб, энди ўзи Тошкентдаги хон додалари кўмаги, ҳарбий ёрдамига муҳтож бўлиб қолади. Бирок, ҳамма жойда Бобурга нисбатан душманона муносабатда бўлган шахслар бу ерда ҳам унга қарши иш олиб бордилар. Шу йиллари Бобур Хўжандда вақтинча паноҳ топганида ганимлари унинг яқин қиши Халифани ундан йирок тутиш мақсадида фитна гаплар қиладилар ва Бобур кўнглига жуда яқин бўлган бу дўсти, маслаҳатчисини бош-қа шаҳарга эмас, айнан Тошкентга боришини маъқул қўради. Бунинг устига бош вазир даражасидаги шахс - Косимбекни ҳам Тошкентга жўнатиб, масалани ижобий ҳал этиш, Андижонга бориш йўллари қидиради. "Бобурнома"даги бу тарихий воқеалар айнан Тошкент хонлиги ва унинг атрофидаги жойларда ўтган: "Хўжандқа келгач, баъзи мунофиқшева эллар Халифани менинг эшигимда қўра олмадилар. Муҳаммад Хусайн мирзони ва баъзиларни барий қилдилар. Халифага Тошканд сари руҳсат берилди. Косимбекни Тошкандга хон қошига юбориб, Андижон устига юримакни истидъо қилинди. Хон ҳам черик тортиб, Охангарон жулгаси била қелиб, Қандирлик добонининг тубига тушганда мен ҳам Хўжанддин бориб хон додами қўрдим. Қандирлик добонини ошиб Аҳси тарафига тушулди".

Заҳириддин Бобур бошқа теурийзодалардан фарк қилган ҳолда, бобоси Амир Теуур салтанатини бор бўй-басти билан қайта тиклаш, унга раҳбарлик қилиш мақсади билан ўспиринлигидан ёниб яшаган, Бобур Тошкентга - хон додасига ёрдам бериш мақсадида ҳаракатга тушар экан, "чун салтанат дағдагаси ва мулкқирлик доияси бор, бир қатла, икки қатла иш юримаган била боқиб ўлтуруб бўлмас. Андижонга юримак ҳаёли била қўмак тилай, Тошкандга хон қошига бордим".

Матнга эътибор берайлик: Бобурнинг Андижон тахтига эришиши Тошкентдан етадиган қўмакка боғлиқ бўлиб турибди. Бобур Тошкент хонидан олган қўмақдан кейин "Хўжандта таваққуф қилмай, ўта қиқиб, илгаб, Қандибодомни сўл қўлга қўюб қелиб, қеча била шоту

кўюб Насух кўргониниким, Хўжандтин ўн йигоч йўлдур, Кандибодомдин уч йигоч, ўгурлаб олдук", дер экан, нақадар шиддат билан кўшимча худудларни тасарруфига кўшишга интилганини кўрамыз. Мазкур матндаги "таваккуф килмай", "ўта чиқиб", "илгаб", "сўл кўлда кўюб", "кеча била шоту кўюб" каби сўз ва иборалар Бобурнинг мақсади сари шошиб интилгани, унда мулкгирлик хисси жўш урганлиги, бунинг боиси - Тошкент хонидан олган ёрдами эканлигини аёнлаймиз.

"Бобурнома"да Захириддин Бобур уни қадам-бақадам таъқиб қилиб юрган Аҳмад Танбалнинг қишлоқларидан қочиб турли юртларда бориб қолар экан, бу дафъа довол ошиб Масчоҳга келади: "Яна добон ошиб Масчоҳга қолдук. Хотирга қечтиқим, муноқ тоғдин тоғқа алоҳон ва аломон, қилоятимиз йўқ, еримиз йўқ, турмақ бетакрибдур, хон қошига Тошқандга-ўқ қоралинг".

У "Бизга қурбон ийди Шохруҳияда бўлди. Бетаваккуф ўтуб, хон қошига Тошқандга қордим" дер экан, қўнғлига ҳеч нарса сигмаганини кўрамыз. Бобурнинг Тошкент хони билан бу қалғи учрашуви олдинги қўришганларидан фарқ қилган. Ўша даврнинг одатига қўра, шох, султон, беқларнинг ҳузурига қорган қиши агар шеър ва адабиётга тааллуқли шахс бўлса, бу арбоблар номига қитилган шеър, қаҳрия, қасидалар ёзиб тақдим этиши расм бўлган. Бобур ҳам тошқентлик хон додасига бир қубоий ёзиб тақдим этган. Бу қубоийнинг мазмунида хонга қисбатан на мадҳ, на таъриф-тавсиф бўлмасдан, унда, ақсинча, қубоий муаллифининг юқоридаги мушқул аҳволи, қариблиқда қечқан уқубатлари ва бу қочор ақволдан озурдаланганлик руҳи қор. Бундан таққари, Бобур бу қубоий билан ўзининг шеърятдаги дастлабки қадамлари қучини қинаган; иққинқидан, хон додасининг шеър қилиш қобилиятини шеършунос қифатида ҳам бақолағанқи, бу жуда муҳим: "Бизга қурбон ийди Шохруҳияда бўлди. Бетаваккуф ўтуб, хон қошига Тошқандга қордим. Бу қубоийни айтиб эдим, маъмул қофиясида тараддудим қор эди. Ул мақалда шеър мусталақотида муноча татаббуъ қилмайдур эдим, хон ҳуштаъб қиши эди, шеър айтур эди, ақарқи сару сомонлик қазали қамрок эди, бу қубоийни хонга ўтқариб, тараддудимни арз қилдим. Қўнғул тийғудек шоқий жавоб тоқмадим. Қолибо, шеър мусталақотида қамрок татаббуъ қилқондурлар. Қубоий будур:

Ёд этмас эмиш қишини
меҳнатта қиши,
Шод этмас эмиш қўнғулни қурбатта қиши.
Қўнғулм бу қариблиқта
шод ўлмади ҳеч,
Қурбатта севунмас эмиш,
албатта, қиши".

Захириддин Бобурнинг Тошқентга сақари бўйиқа унинг хон билан қайси масалада қенғрок музоқара олиб қорғанлиги ҳақида маълумот жуда қам. Шунга қарамасдан, ҳар қолда, Тошқент хонлиги учун Шайқонийхоннинг ҳам, Аҳмад Танбалнинг ҳам душманона муносабати аниқ бўлса қераққи, Бобурнинг хонга қерган маслақати асосида хонлиққа қарашли Пскент ва Сомсийрак атрофида мудоқаа қоралари қўрилғанлиги ёш Бобурнинг ҳарбий стратегик қарашлари ўша қайтда шаклланғанлиғидан дарак қеради.

Захириддин Бобурнинг Тошқентда бўлған даври, эҳтимол, унинг тақаккуридаги энг

талотум пайт бўлса керак. Чунки "Бобурнома"да "Охир мундок саргардонлиқтин ва бу навъ бехонумонлиқтин жонга еттим. Дедимким, мундок душворлик била тирилгунча, бош олиб йитсам яхши. Бу навъ хорлик ва зорлик била эл билгунча, оёғим етганча кетсам яхши. Хитойга бормокни жазм килдим" деса, куйирокда фикри яна ўзгаргани, Тошкентга нисбатан осойишта жойда ўзининг келажигини қайси юрт ва давлатлар билан боғлашни ўйлагани, ҳаёллари бир-бирини инкор этувчи режалар билан чалкашиб кетганини анг-лаймиз. Унинг бир қарорга келдим деган бу режасини ҳаммадан сир тутганини, ҳатто "бу ҳаёлимдин ҳеч киши соҳибвуқуф ҳам қилиб бўлмас эди. Не жихаттинким, онамга худ мумкин эмас эрдиким, мундок сўзларни айта бўлмай" деб, Мўғулистон ва Турфонга боришни, шунда барча мушуқлиқлар, Шайбоний ва Танбал муҳорабаларидан холи бўлиши мумкинлиги ҳақида Тошкент шаҳрида туриб режалар тузади.

Хар ҳолда, Бобур Тошкентда кичик хонни қутиб олади ва тақдирнинг қарҳи Бобур томонда бўлиб Тошкент хони "Тошқандта қелиб бот-ўқ Султон Аҳмад Танбалнинг устига Анди-жонга черик тортилар. Қандирлик добонининг йўли билан мутаважжих бўлдилар. Оҳангарон жулғаси ета кичик хонни ва мени илгаррак айирдилар. Добондин ошиб Зиркон ва Карнон навоҳисида икки хон қатилдилар. Карнон навоҳийсида бир кун дим қўрдилар, черикларини ўттиз минг қенадилар".

Тошкент хонлигининг ҳарбий тартибларининг орасида "ўрон" - бугунги истилоҳда "парол"нинг ишлатилиш тартиби Тошкент шаҳри тарихи учун ҳам жуда муҳимлигини алоҳида таъкидлаш жоиз. Масаланинг муҳим томони яна шундаки, муҳорабаларни анча бошидан ўтказган, Бобур учун ҳам "Тошқанд", "Сайрам" сўзларининг аскарлар орасида парол сўзи сифатида ишлатилишини эшитиш қизик эди. "Бобурнома"да бу манзара қарчи Тошкентда эмас, Андижон атрофида бўлган бўлса ҳам "Тошқанд" атамаси парол бўлгани Тошкент шаҳри тарихини жиддий ўрганиш ва шунга ўхшаш далилларни топиб бугунги ёшлар дунёқарашини Ватанга меҳр даражасида қўтариш мумкинлигига шубҳа йўқ. Энг муҳими, ушбу ҳолатнинг иштирокчиси Бобурнинг ўзи бўлгани, Тошкент шаҳри боис Бобур ҳам буни қитобида батафсил қелтиргани муҳим. Мазкур ҳолат ўта қизиқарли бўлганлиги боис биз ҳам бу парчани тўлиқ қелтиришни маъ-қул билдик: "Бу қайфият мундок экандурким, Айюб Бекчикнинг туманидин бир неча мўғул Ўшдин биздин айрилиб қозоқликка андижоннинг қирдига қелган экандурлар. Бизнинг черикнинг қавғосин эшитиб, инчақалиқ била илгаррак қелиб ўрондашурлар. Бу ўрон икки навъ бўлур: улқим, хар қавмнинг ўрони бор, нечукким, баъзи қавмнинг ўрони "қурдона"қур ва баъзининг "тўқбой", баъзининг "лулу"; яна бир тамом черикка иш маҳалида икки лафзни ўрон қўярларким, иш вақтида учрашқонда, бири бир лафзини айтқонда, яна бир ул маъҳуд лафзни айтқай, то бу тариқ била эл ёғийдин айрил-гай ва ўз қишисини ётдин қарқ қилгай. Ул қурушта маъҳуд ўрон алғози "Тошқанд" била "Сайрам" эди. "Тошқанд" деса, "Сайрам" дейилгай, "Сайрам" деса, "Тошқанд". Бу орада - шўрда Ҳожа Муҳаммад Али илгаррак экандур. Мўғуллар: "Тошқанд", "Тошқанд" деб қелурлар. Ҳожа Муҳаммад Али сирт қиши изтиробта бўлур, муқобалада ул ҳам "Тошқанд", "Тошқанд" қер. Мўғуллар ёғий қишиси ҳаёл қилиб қурон солиб, тақлбоз қолиб, ўқ қўярлар. Ушбу тариқ қалат қавғо била турмаб қаришон бўлдуқ".

Шундай қилиб, биз "Бобурнома"да Тошкент шаҳри билан боғлиқ воқеаларнинг асар муаллифи қарғузашт-лари ва Тошкент хонлигида бўлиб ўтган воқеалар, шаҳслар

дунёкараши билан богликликда тахлил килишга ҳаракат қилдик. "Бобурнома"нинг сўнгги саҳифаларида ҳам Тошкент ҳақида икки-уч марта сўз борса-да, улар географик атама сифатида келган ва шарҳлашга муҳтож эмас. Юқоридаги воқеадан кейин Аҳмад Танбал Тошкент хони ҳарбий юришларидан ўз кучини йўқотиб, лашкарлари орасида паршонлик бўлади ва Заҳириддин Бобур Афғонистон - Қобулга йўл олади ва у ерда мустаҳкам давлатини тузади.

Ҳасан Қудратуллаев,
филология фанлари доктори, профессор